



## РОССИЯ МУЗЕЙЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ЎЗБЕК ЛИБОСЛАРИ ТҮГРИСИДА БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР

Юлдуз Анваровна Гайбуллаева

Тошкент шаҳари Вебстерь университетининг, таълим дастурларини амалга ошириши марказининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари

Ўзбек лиbosларини чинакам илмий ўрганиш XIX асрдан бошланган европаликлар, айниқса Россия олимлари Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хивада яшаган аҳоли маданияти, турмуши, санъатига ғоят қизиқиб қараашди. Бу жараён Россия истилосидан кейин кучайди. Тошкент оммавий музейи ташкил этилгандан сўнг (1876) режали тус олди. Туркистон халқлари моддий ва маънавий ёдгорликларини тўплаш олимлардан ташқари маҳаллий амалдорлар ўртасида ҳам кенг авж олди. Бу ишда Туркистон ўлкаси бош хокими – генерал-губернатор Константин фон Кауфман (1867-1881) намуна бўлди, десак янгишмаймиз. Унинг ўзбеклар бўйича коллекциясида 365 та буюм бўлиб, унда уй-жой, майший кийим-кечак, ҳунармандлар ишлаган ва турфа маҳсулотлар, газлама ҳамда матолар, кундалик, маросимларда кийиладиган эркаклар – аёлларнинг уст-бошларидан иборат бўлиб, у ҳозирда Санкт-Петербургда сақланади.

Бу коллекциядан 329 дона аёллар кийими, 219 та эркаклар ва 9 та болалар усти-бошлари ўрин олган.

Тошкент оммавий музейи экспозицияси этнография бўлимида Туркистон халқлари кийим-кечаклари, заргарлик буюмлари ва турли-туман кийим, зебзийнатлари тўпланган. Даврий матбуот ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивидаги ҳужжатлар бу коллекциялар ҳақида тўлиқ маълумотлар беради.

Тошкент оммавий музейидаги коллекциялар, шу жумладан маҳаллий кийим-кечак намуналари 1876 йилда Петербургда ўтказилган шарқшунослар халқаро конгрессига бағишлиланган қўргазмада, 1890 йилда Туркистон қишлоқ хўжалиги қўргазмасида намойиш қилинган. Музей 1900 йили халқаро Париж қўргазмасига маҳаллий аҳоли кийим-кечаклари ва бошқа экспонатларини юборди. Этнография коллекциясининг катта қисми эса 1906 йилги Милан қўргазмасида намойиш этилди.

Иккинчи гильдия савдогари, маҳаллий ипак, жун ҳамда ип-газлама буюмлари фабрикасининг эгаси Мирза Абдулла Бухорий 1878 йили Тошкентда қўргазма



ташкіл этишда қатнашиб, унга хонатлас, турли рангдаги аёллар бош кийими ва ҳар хил рўмоллардан иборат коллекцияни тақдим қилган эди. Мирза Абдулла савдогар Муҳаммад Шокир билан бирга “Ипак буюмлари ишлаб чиқаришни анча такомиллаштиргани ва кенгайтиргани учун” олтин нишонга сазовор бўлган эди.

У 1886 йили Туркистон кўргазмасида, 1887 йили Харьков қишлоқ хўжалик кўргазмасида қатнашди. У келтирган ипак маҳсулотлар тезда сотилиб кетди. Мирза Абдулланинг этнографик коллекцияси рус олимлари диққатини жалб қилди. Хусусан, шарқшунос Н.И.Веселовский унинг коллекциясидан 1202 буюмни сотиб олган. Н.И.Веселовский билан танишиб ҳамсуҳбат бўлиши Бухорийда моддий ёдгорликларни тўплашга бўлган қизиқишни янада кучайтирди. У ўз ташаббуси билан Москва ва Петербургга саёҳат қилди ҳамда Кремлда бўлди. Третьяков галареясини кўрди. 1887 йили Петербургга келиб, Н.И.Веселовский билан учрашди. Икки олим ҳамкорлиги икки томон учун фойдали бўлди. Мирза Абдулла моддий ёдгорликлар коллекцияларидан 6300 осори атиқани Петербургга юборди. Унинг бундан кўзлаган мақсадини шундай ифода этган: “ҳар қалай, умумий манфаат ва Россия илм-фанини кўзлаб ҳамда улусимиз бошқалар ҳам бу қадимги нарсалар хусусида алоҳида тушунчага эга бўлсинлар учун, Туркистон ўлкасида бу иш билан ҳаммадан кўпроқ мен шуғулланганимни унутмасинлар учун ёдгорлик қолдиришга ҳаракат қилдим”. (Лунин Б.В. **Самарқандлик қадимги нарсалар муҳлиси Мирза Бухорий, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, 1963, №6).**

Илғор рус зиёлиси Н.И.Веселовский Мирза Бухорийдан ташқари бошқа маҳаллий коллекционерлар Акром Асқаров, Абу Сайд Махсум билан ҳамкорлик борасида ўзига хос хulosага келиб, мустамлакачилик сиёсатига зид бўлган фикрларини очиқ айтишга журъат қилган эди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Горшунова О. В. Внешний облик узбекской женщины: эволюция эстетических представлений
- (конец XIX - конец XX в.) . . . – 5 №. – С. - 29
- Полвонова Б. Эманципация мусульманки. – Москва: 1982. – С. 204.
- Нишонбоева Қ. В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишининг маданий жиҳатлари. Тошкент: 1998. - Б. 120;
- Ergashevna, S. N. (2021). LATEST DEVELOPMENT OF THE ART OF BAKHSHI IN UZBEKISTAN. ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies, 10(8), 49-55.
- ЎзР МДА, Р-736- жамғарма, 1-рўйхат, 932-иш, 67- вараг.
- ЎзР МДА, Р-737- жамғарма, 1-рўйхат, 836-иш, 118-вараг.
- ЎзР ПДА, 58- жамғарма, 13-рўйхат, 1265-иш, 3- вараг.

# НОВОВВЕДЕНИЯ СОВРЕМЕННОГО НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ



9. Известия ЦК РКП(б). 1929. - № 7. - С. 5.
10. Янги йўл. 1929. - № 11. – Б. 7.
11. Ислам и женщины Востока. - Ташкент: 1990. - С. 58.
12. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии. ... - Б.55;
13. ЎзР МДА, 736- жамғарма, 1-рўйхат, 933-иш, 172- варак;
14. Худжум-значит наступление. Ташкент: 1987. - С. 20.
15. Ўз Р ФА ЎТДМ Эф. Инв. № Э 6456. Колл. 95–62.

